**«ISTE'MOL MADANIYATI» ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий газетаси сонларини етказиб бериш (обуна) ШАРТНОМАСИ**

№ 40-71 «28» 01 2022 йил

«ISTE'MOL MADANIYATI» газетаси таҳририяти (бундан буён матнда «Таҳририят» деб аталувчи) номидан бош муҳаррир Ш.Ёдгоров, бир томондан, иккинчи томондан Вилоят болалар ... (бундан буён матнда «Обуначи» деб аталувчи) номидан ..., қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

## I. Шартнома предмети

«ISTE'MOL MADANIYATI» газетаси бир ойда икки марта чоп этилувчи нашр бўлиб, йил давомида 24 та сон миқдорида чоп этилади ва «Обуначи»га обуна тўлови асосида етказиб беради.

## II. Маҳсулот сони, ҳажми, баҳоси

2.1. Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси 198 000 сўмни ташкил қилади.

2.2. Ушбу шартномага мувофиқ «Таҳририят» «Обуначи»га 2022 йилда газета сонларини 1 тўплам (комплект)да етказиб беради.

2.3. Ушбу шартнома бўйича бир йиллик обунанинг умумий суммаси 198000 (Бир юз тўқсон саккиз минг) сўмни ташкил этади.

## III. Газета сонларини етказиб бериш муддати ва тартиби

Таҳририят «Обуначи»га газета сонларини босмахонада унинг тўлиқ адади чоп қилинганидан кейин 6 кун ичида етказиб беради. Газета сонларини етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар «Таҳририят» ҳисобидан қопланади.

## IV. Тўлов тартиби

«Обуначи» ушбу шартнома бўйича обуна учун тўлов суммасини ушбу шартнома имзоланган (давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ғазначилик бошқармасида тасдиқланган) кундан бошлаб ўн банк иш куни ичида таҳририят ҳисобрақамига пул ўтказиш ёки нақд пул орқали тўлиқ (100 фоиз) олдиндан тўлов шаклида амалга оширади.

## V. Тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

5.1. «Таҳририят» «Обуначи»ни ушбу шартномада белгиланган муддат ва миқдорда газета сонлари билан таъминлайди.

5.2. «Обуначи» ушбу шартноманинг белгиланган қисмида ва тўлов топшириқномасида ўзининг тўлиқ номи ва манзилини, почта индекси, СТИР, ОКЭД, банк ҳисобрақами, банк коди, телефон рақамларини тўлиқ кўрсатиши шарт.

5.3. Шартноманинг 5.2.-бандида кўрсатилган шартларни обуна шартномаси ҳамда тўлов топширикномасида (ёхуд почта квитанциясида) аниқ ва равшан кўрсатмаган ҳолда тақдим этса, «Таҳририят» газетани ушбу камчиликлар обуначи тарафидан бартараф этилмагунча етказиб беришни кафолатламайди.

5.4. «Обуначи» шартномани бир тарафлама бекор қилиш, манзили ўзгаргани, ташкилот ўз фаолиятини республика ҳудудида тўхтатгани ҳақида таҳририятга хабар берган вақтдан бир ой муддат ўтгач, қайта ҳисоб-китоб қилинади.

5.5. «Таҳририят» айби билан (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) газетанинг чоп этилмаган сонлари учун ушбу сонлар суммаси миқдоридаги пул маблағи «Обуначи»га қайтарилади.

## VI. Низоларни ҳал этиш тартиби

Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ тарафлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёки суд тартибида ҳал этилади.

## VII. Якуний қисм

7.1. Ушбу шартнома тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан бири обуначида қолади, бошқа нусхаси таҳририятга топширилади.

7.3. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## VIII. Тарафларнинг юридик манзили ва тўлов реквизитлари

| Таҳририят: | Обуначи: |
|---|---|
| «ISTE'MOL MADANIYATI» gazetasi tahririyati» МЧЖ | Вил. бол. ... СЧ ... (юридик ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи) |
| Ҳ/р: 20208000700702151001 | х/р: 400121 860304057073 401 05401 |
| АТ Асака банк Шайхонтоҳур филиали | |
| МФО: 00969, ОКЭД: 58130 | МФО: 00014 ОКЭД 86100 |
| СТИР: 304496718 | СТИР: 200121464 |
| Манзил: 100000, Тошкент ш., Матбуотчилар кўчаси 32-уй. | Манзил: ... |
| Тел: (71) 233-10-99; (94) 643-07-33 | Тел./факс: 73-542-40-37 |
| E-mail: gazeta@umail.uz | |

Бош муҳаррир: Ш. Ёдгоров

М/У

М/У

*Обуначи жисмоний шахс бўлса, муҳр талаб қилинмайди.*